



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 2 март, № 46 (8669)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҲАЁТИЙ ТАШАББУСЛАР ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ, ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 февраль — 1 март кунлари Хоразм вилоятида бўлди.



Давлатимиз раҳбари ташрифининг иккинчи куни Урганч шаҳрида Хоразм вилоятини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш бўйича галдаги вазифалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев сўзининг аввалида юртимизда инсон қадрини улуғлаш, аҳолига муносиб шароитлар яратиш, бандликни таъминлаш учун барча куч ва имкониятлар сафарбар этилаётганини таъкидлади.

Хусусан, охириги 7 йилда Хоразмда 600 мингта иш ўрни яратилган. Бугун вилоят ялпи маҳсулоти ҳажми 37 триллион сўмга, аҳоли жон бошига 19 миллион сўмга етган.

Шу билан бирга, тобора ўзгариб бораётган замон, одамларнинг талаб ва истаклари янги-янги вазифалар қўймоқда. Йиғилишда шу борадаги чора-тадбирлар, вилоятдаги заҳираларни ишга солиш бўйича янги имкониятлар белгилаб олинди.

Хоразмда кичик ва ўрта бизнесни янада қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли шартларда 100 миллион доллар ажратилиши маълум қилинди. Бунинг ҳисобидан 5 минг 500 тадбиркорга кўмак бериб, 50 минг доимий иш ўрни ташкил этиш мумкинлиги айтилди.

Иқтисодий-ишчилик вазифалардан бири — вилоятда саноатни ривожлантириш. Бунинг учун энг зарур омиллар давлат томонидан ҳал этиб берилмоқда.

Куни кеча Амударё устида кунига 12 мингта автомобиль, 24 та поездни ўтказиш қувватига эга улкан кўприк очилди. Бу транспорт алоқаларини яхшилаб, юк ташини харажатларини камайтириб, бизнес ва хизматлар ривожига қўшимча туртки беради.

Саноат учун барқарор энергия манбалари ҳам зарур. Шу мақсадда Тупроққалъа туманида Франциянинг "Voltaia" компанияси билан ҳамкорликда 100 мегаваттлик қуёш электр стан-

цияси қурилиши бошланди. У йил якунигача ишга тушади.

Шунингдек, Хоразмда қиймати 10 миллиард долларлик йирик газ-кимё мажмуасини барпо қилиш бўйича илғор хорижий компаниялар билан музокара олиб борилмоқда. Бу лойиҳа ишга тушса, 3 мингта иш ўрни яратилади, йилга 2,5 миллион тонна юқори қўшилган қийматли полимерлар ишлаб чиқарилади.

Саноат лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва жадаллаштириш чоралари белгиланди. Қайд этилганидек, Хоразмга Саноатни ривожлантириш жамғармасидан 100 миллион доллар йўналтирилади.

Бизнесни ривожлантириш банки томонидан кичик ва ўрта саноат лойиҳаларига 1,5 миллиард сўмга 18 фоиздан 7 йил муддатга кредитлар берилди.

Бундан ташқари, 1 апрелдан бошлаб импорт ускуналар, эҳтиёт қисм ва хомашё 5 йилга божхона тўловидан озод қилинади, қўшилган қиймат солиғини 180 кунга кечиктириб тўлашга рухсат берилади. Маҳаллийлаштириш лойиҳаларига олинган кредит фойзининг 10 фоиз банди қоплаб берилади.

Давлат мулки ва ер участкаларини хусусийлаштиришда 5 йил ичида бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти яратилади. Иқтисодий ва саноат зоналарида олган мажбуриятини бажарган тадбиркорлар ер ва бинони хусусийлаштириши мумкин бўлади. Экспортчиларга бошқа вилоятдан хомашё етказиб бериш учун йўл харажатларининг 50 фоизи қопланади.

2020 йилда учта банк иштирокида тузилган инвестиция компанияси трансформация қилиниб, унга тадбиркорларга 30 фоизгача улушдор бўлиб кириш ваколати берилади.

“Хазорасп эркин” иқтисодий зонасидан самарали фойдаланиб, саноат лойиҳаларини жойлаштириш, Урганч

туманида Технопарк ташкил қилиш вазифаси қўйилди.

“Дамас” ва “Лабо” автомобиллари ҳамда уларнинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, калава ипни қайта ишлаш даражасини 60 фоизга етказиш, фармацевтика маҳсулотларини кўпайтириш имкониятлари кўрсатиб ўтилди.

Умуман, йил якунигача вилоятга 1,5 миллиард доллар сармоя, шундан 1 миллиард доллар хорижий инвестиция олиб келиб, 600 миллион доллар экспортни таъминлаш мумкинлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш масаласига алоҳида тўхталиб ўтди. Бунинг учун 11,5 триллион сўм кредит йўналтирилади, ҳар бир туман ва шаҳарни комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланади.

Хоразмда Хитой тажрибаси асосида “уй саноати” ривожлантирилади. Масалан, Богот, Янгиариқ, Янгибозор, Қўшқўприр ҳамда Урганч туманларида жун ва пиллани қайта ишлаш, Ҳазорасп, Хива, Тупроққалъа ва Хонқада гилам тўқиш оммалашган.

Бу йўналишлар қўллаб-қувватланиб, ипакчилик ва гиламчилик кооперациялари ташкил қилинади. Хонадонларда илҳам ускуналар ўрнатиш учун 100 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратилади.

Оилавий тадбиркорлик дастури доирасида бу йил 5 мингта хонадонда интенсив усулда балиқ боқиш, 4 минг 400 та хонадонда тикувчилик, парранда, чорва, асалари ва боғдорчилик бўйича молиявий кўмак берилади.

Хоразмнинг асосий драйверидан бири туризм. Уни янада ривожлантириш бўйича 3 йиллик дастур қабул қилиниши белгиланди.

Сайёҳларга бир йил давомида чекловсиз Хоразмга кириш учун “Ўзбекистон — менинг иккинчи уйим” виза тизими жорий қилинади. Урганч шаҳрида

“Лази” ва “Авесто” музейи ташкил этилади. Меҳмонхона ва дам олиш масканлари қуриш, мавжуд ўринларни кўпайтириш учун имтиёзли кредитлар берилади.

Бу орқали Хоразмга хорижий туристлар оқими 1 миллионга, маҳаллий сайёҳларни 4 миллионга етказиб, 20 минг иш ўрни яратиш имконияти пайдо бўлади.

Хизматлар соҳаси ривожланиши учун транспорт инфратузилмасини яхшилаш зарур. Шу боис Урганч ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларига авиачипта нарҳини арзон қилиш учун 30 миллиард сўм субсидия берилади. Авиакатновлар кўпайтирилади.

Урганч — Хива йўналишида троллейбус қатновининг оралиқ вақти қисқаради, Урганчдан Хива ва Хонқага электробус қатнови қўйилади.

Йиғилишда қишлоқ ва сув ҳўжалигидаги вазифалар ҳам кўрсатиб ўтилди. Хитой ва бошқа давлатлардан шўр тупроққа чидамли пахта навларини олиб келиб, етиштириш зарурлиги таъкидланди. Урганч шаҳрида экин уруғларини сертифицирлаш лабораторияси, ҳар бир туманда 40 тадан кичик совиткичли омбор ташкил қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Шоличиликда ҳам илмий ёндашувларни жорий этиш вақти келган. Бу борада Филиппиндан олиб келинган шўрға чидамли навларни Хоразм шароитига мослаш, Жанубий Корея билан ҳамкорликда шоли уруғчилиги қорхонаси ташкил этиш зарурлиги айтилди. Шоличиликда ҳосилдорликни 150 центнерга чиқарган деҳқонларга маҳсулотиининг ярмини экспорт қилишга рухсат бериш тақлифи билдирилди.

Чорвачилик, паррандачилик, балиқчиликни кенгайтиришга ҳам янги имкониятлар белгиланди.

Тошсоқа каналини тиклаш лойиҳасининг 2-босқичи, каналларни бетонлаш ишларининг бориши кўриб чиқилди. 11 минг гектарда сув тежовчи техноло-

гия жорий қилиш, 42 минг гектарни лазерли текислаш, насос станцияларини технологик янгилаш топшириқлари берилди.

Ўй-жой ва маҳалла инфратузилмасини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бу йил 119 та кўп қаватли уй қурилиб, 3,5 мингта оиланинг яшаш шароити яхшиланади. Ҳазорасп, Шовот ва Урганч туманларида “Янги Ўзбекистон” массивлари барпо этилади.

Электр тармоқлари, подстанция ва трансформаторларни янгилаш бўйича уч йиллик дастур ишлаб чиқилади. Вилоятдаги 233 километр йўл таъмирланади. 322 та маҳаллада ички йўллар яхшиланади.

Хоразмдаги олий таълим муассасаларида хорижий дастурлар жорий қилиниб, талабаларнинг халқаро квалификация олиши таъминланади. Шифохона ва поликлиникаларда тақдорланадиган вазифалар мақбуллаштирилади. Эшитишда нўқсон бор 500 нафар бола кохлеар аппарати, яна 2 минг нафари эшитиш мосламаси билан таъминланади.

Умуман, йиғилишда белгиланган чора-тадбирларга 1,1 миллиард доллар ва 10 триллион сўм йўналтирилиши таъкидланди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Урганч шаҳридаги Жалолиддин Мангуберди номидаги ҳарбий-академик лицейни бориб кўрди.

Таълим муассасаси 2023/2024 ўқув йилидан фаолият бошлаган. 300 ўринли замонавий бинода ёшларнинг таълим-тарбия олиши учун барча шароит яратилган. Улар бу ерда аниқ фанлар йўналишида икки йил таълим олади.

Ўқув хоналари энг сўнгги русумдаги мультимедиа ва коммуникация воситалари билан жиҳозланган. Лицей ахборот-ресурс марказида 7 мингдан ортиқ ўқув ва бадий китоблар, 11 мингдан зиёд электрон адабиётлар бор. У вилоятдаги олий таълим муассасалари

ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси тармоғига уланган.

Шунингдек, бу ерда Жалолиддин Мангуберди музейи, ёпиқ турдаги спортзал ҳамда очик майдондаги спорт мажмуаси, саф майдони, ошхона ва ётоқхона мавжуд.

Ўқувчилар дарсдан ташқари ўндан ортиқ фан, ахборот технологиялари, ижодий тўғараклар ҳамда спорт машғулотларида иштирок этади. Бепул кийим-кечак, тўрт маҳал иссиқ овқат билан таъминланади.

Давлатимиз раҳбари муассаса ҳамда бу ердаги таълим жараёнлари билан танишиди. Ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбатлашди. Жалолиддин Мангубердининг ватанпарварлиги, жасорати ёш авлод учун ибрат эканлиги таъкидланди.

— Бу ерда аниқ фанлар ўқитилиши яхши. Шу билан бирга, дарс жараёнларида ватанпарварлик тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш, кадриятларимизни ҳам ўргатиш лозим. Шундай бўлиши керакки, миллий руҳ ва ғурур ёшларнинг энг кучли қуроли бўлиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ҳарбий-жанговар қудрат, юксак маънавий салохият юрт ҳимоячиларининг муҳим таяниқ эканига урғу берилди.

Лицей Урганч давлат университети ҳамда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти билан ҳамкорлик ўрнатган. Шунингдек, Урганч шаҳридаги 3-умумтаълим мактаби ўқувчилари билан ҳарбий-ватанпарварлик тадбирлари, спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда. Бу ташаббусни бошқа мактаблар билан ҳам кенг қўламада ташкил этиш режалаштирилган.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Хоразм вилоятига ташрифи якунланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 15 декабрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 9 февралда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) фаолиятини тартибга солишдан иборат.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) (бундан буён матнда Бола ҳуқуқлари бўйича вакил деб юритилади) мансабдор шахс бўлиб, у давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан парламент назоратини амалга оширади.

(Давоми 2, 3-бетларда.)

Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

БУНЁДКОРЛИК ТУЙҒУСИ БИЛАН ЯШАШ ЗАВҚИ



Кўхна ва ҳамиша навқирон Хоразм диёри бетакрор шарқона руҳи ва қиёфаси, бой тарихи, бу ерда сақланиб қолган ноёб, ҳар қандай одамни ҳайратга соладиган обидалари билан сайёрамизнинг турли ўлкаларида маълуму машҳурдир. Бу заминда тарихи минг йилларга бориб тақаладиган обидаларни келажак авлодга бус-бутун етказиш, асл ҳолатини тиклаш ва бу орқали мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ва айтиш мумкин, бунга уйғун ҳолда олиб борилаётган халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш, юртни обод қилишдек кенг қўламли эзгу ишлар ҳудуд ҳаётини том маънода ўзгартириб, воҳа жамолини янги руҳ ва янги қиёфада дунёга кўз-кўз қилмоқда. Асосийси, Президентимиз ташаббуси билан бу ерда урдаланаётган бундай улкан ҳажмдаги ишларга каттаю кичик ўзини дахлдор билиб, меҳнат қилмоқда.



Бинобарин, қишнинг изгиринли кунлари ўз ўрнини баҳорга бўшатиб бераётган, далаю даштда кўклар насимлари эсаётган айти кунларда Хоразмда нафақат табиат уйғонмоқда, балки воҳа аҳли қалбида ҳам ўзгача бир сурур, кўтаринки кайфият ҳукмрон.

Бунинг боиси давлатимиз раҳбарининг 29 февраль — 1 март кунлари Хоразмга ташрифи, халқ билан самимий мулоқот қилгани, одамларнинг яшаш, турмуш шароитларини ўрганиши, ҳудудда янги-янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича амалий сайёҳ-харажатларга старт берилгани туфайлидир.

3

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар оғмбудсмани) тўғрисида

◄(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил ўз фаолияти билан бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мавжуд шаклларини ва воситаларини тўлдиради. Бола ҳуқуқлари бўйича вакил Ўзбекистон Республикасининг бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилигини такомиллаштиришга ва уни халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштиришга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашади, фуқароларнинг бола ҳуқуқлари соҳасидаги ҳуқуқий маданиятини оширишга ёрдамлашади.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил ўз ваколатларини мустақил равишда ҳамда давлат органларига ва уларнинг мансабдор шахсларига тобе бўлмаган тарзда амалга оширади ҳамда ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига ҳисобдордир.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакилга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси томонидан имзоланадиган гувоҳнома берилади. Бола ҳуқуқлари бўйича вакил гувоҳномадан ўз ваколатлари муддати мобайнида фойдаланади.

3-модда. Бола ҳуқуқлари бўйича вакил фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ушбу Қонунга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширади.

4-модда. Бола ҳуқуқлари бўйича вакил фаолиятининг асосий принциплари

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил фаолиятининг асосий принциплари қонунчилик, мустақиллик, адолатлилик, инсонпарварлик, камситишга йўл қўймаслик, ҳолислик, очиклик, бола ҳуқуқларининг устуворлигидан иборатдир.

5-модда. Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозимига номзодга қўйиладиган талаблар

Сайланиш кўни йилгирма беш ёшга тўлган, камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мўқим яшашётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозимига сайланиши мўкин.

6-модда. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилни сайлаш

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан беш йил муддатга сайланади.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакилни сайлаш тўғрисидаги қарори палаталарнинг мажлисларида тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенати аъзолари умўмий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларида кўриб чиқилгандан кейин палаталарнинг ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарорлари Ўзбекистон Республикаси Президентига қонунда белгиланган тартибда юборилади.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил ўзининг ваколатлари муддати тугагач, янги Бола ҳуқуқлари бўйича вакил сайлангўнига қадар ўз вазифаларини бажаришни давом эттириб туради.

7-модда. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилни лавозимдан мўддатидан илгари озод қилиш

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозимидан қўйдаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан мўддатидан илгари озод қилиниши мўкин:

у ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш тўғрисида ариза берган тақдирда;
унинг соғлиги қоний дари барқарор тарзда бузилган ва бу тиббиёт муассасаси томонидан берилган ҳўлоса билан тасдиқланган тақдирда;
ўнга нисбатан суднинг айблов ҳўқими қонўний қўчга кирган тақдирда;
у қўнунга кўра Бола ҳўқуқлари бўйича вакил фаолиятига номувофиқ бўлган лавозимга сайланган ёки тайинланган тақдирда;
у суднинг қонўний қўчга кирган қарори асосида бедарак йўқолган деб топилган ёки вафот этган деб эълон қилинган тақдирда;
у Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда;
у вафот этган тақдирда.

8-модда. Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозимига номувофиқ бўлган фаолият

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил сиёсий партияга аъзоликни ёки унда иштирок этишни ўз ваколатлари мўддатига тўхтатиб туриши ёҳуд тугатиши шарт. Бола ҳуқуқлари бўйича вакил илмий, иқидий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шўғулланиши мўкин эмас.

9-модда. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг ҳуқуқларини, шаъни ва қадр-қимматини мўҳофаза қилиш

Бола ҳуқуқлари бўйича вакилга ўз ваколатларини монеликсиз ҳамда самарали амалга ошириши учўн шарт-шароитлар қафолатланади, унинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати мўҳофаза қилинади.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг шаъни ва қадр-қиммати таҳовуз қилиш қонўнга мувофиқ маъмурий, жиний ёки бошқа тарздаги жавобгарликка сабаб бўлади.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг ваколатларини амалга оширишига тўқсунлик қилиш мақсидида бола ҳуқуқлари бўйича вакилга ҳеч бир тарзда таъсир кўрсатишга йўл қўйилмайди.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил олдидаги ўз вазифаларини бажармайдиган, унинг ишига тўқсунлик қиладиган, била туриб ўнга ёлғон аҳборот берадиган, Бола ҳуқуқлари бўйича вакил фаолиятининг қафолатларини бузадиган мансабдор шахслар қонўнчиликка мувофиқ жавобгар бўлади.

2-боб. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг асосий вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

10-модда. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг асосий вазифалари

Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг асосий вазифалари қўйдагилардан иборат:

боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонўний манфаатларига оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этиш;

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини бажариш стратегиясини ва бола ҳуқуқлари масалалари бўйича бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш;

болалар ҳамда уларнинг қонўний вакиллари ўртасида боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонўний манфаатлари тўғрисидаги қонўнчиликни тўшунтириш;

бола ҳуқуқлари ва Бола ҳуқуқлари бўйича вакил фаолияти ҳақидаги халқаро ҳамда миллий нормалар қондаларини тарғиб қилиш;
аҳлининг бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонўний манфаатлари масалалари бўйича ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга кўмаклашиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан болалар ҳамда улар қонўний вакилларининг бола ҳуқуқлари ва қонўний манфаатлари бўзилиши тўғрисидаги мурожаатларини кўриб чиқиш орқали боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонўний манфаатларини ҳимоя қилиш қафолатларини таъминлаш;

бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонўнчилик ҳужжатларининг ижроси ҳолатини ўрганиш;

бола ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни Ўзбекистон Республикаси қонўнчилигига тағбиқ этиш масалаларини ўз ваколатлари доирасида ўрганиш;

давлат органлари, қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар фаолиятида бола ҳуқуқларининг таъминланишини ҳамда ҳимоя қилинишини мониторинг қилиш;

боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонўний манфаатлари бўзилишининг олдини олиш, боланинг бузилган ҳуқуқлари ва қонўний манфаатлари тикланишига кўмаклашиш;

боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонўний манфаатларига риоя этиш ва уларнинг ҳимоя қилиниш ҳолати тўғрисида жамоатчиликни хабардор этиш;

ноғиронлиги бўлган болалар, шўнингдек етим болалар ва ота-

онаси қарамогидан маҳрум бўлган болалар тарбия муассасаларини тамомлаганидан кейин уларнинг ижтимоий мослашўвига кўмаклашиш;

тарбия муассасаларини тамомлаган, уй-жойга мўхтож бўлган етим болаларнинг, ота-онаси қарамогидан маҳрум бўлган болаларнинг аниқ мақсадли коммунал турар жой фондидаги санитария, техник нормаларга ҳамда қонўнчилининг бошқа талабларига жавоб берадиган турар жойлар билан таъминланишига кўмаклашиш;

бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонўнчиликни такомиллаштиришга кўмаклашиш, боланинг манфаатларини таъминлашга қаратилган нормаларни қабул қилиш, шу жумладан бола ҳуқуқлари ва эркинликлари масалаларига оид халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш тўғрисида тақифлар киритиш;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятда иштирок этиш;

давлат ҳокимияти органларининг ва республика ижро етўвчи ҳокимият органларининг, фуқаролик жамяти институтларининг бола ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштиришга тавсиялар ва ҳўлосалар бериш орқали кўмаклашиш;

боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонўний манфаатларини таъминлаш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил қонўнчиликка мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мўкин.

11-модда. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг дахлсизлик ҳуқуқи

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади ва у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг розилигисиз жиний жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазога тортилиши мўкин эмас.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакилга нисбатан жиноят иши факат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мўкин.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакилни мажбурий келтиришга, ушлаб туришга, шўнингдек унинг шахсий бўюмларини, юқини, транспортни, турар жойини ва хизмат ҳонасини қўздан кечиришга йўл қўйилмайди.

12-модда. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг ҳуқуқлари

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил қўйдаги ҳуқуқларга эга:
бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонўнчиликка давлат органлари, қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан риоя этилишини ўрганиш;

давлат органлари, қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда мансабдор шахслардан ўз ваколатлари жўмласига кирадиган масалалар юзасидан статистик, тақлийи ва бошқа аҳборотни ҳамда материалларни сўраб олиш;

давлат органларининг маълумотлар базаларидан белгиланган тартибда фойдаланиш;

боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонўний манфаатлари бўзилганлиги ҳақидаги хабарларни ваколатли давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролик жамяти институтларининг вакиллари билан биргаликда текшириш;

давлат органларининг, қорхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларига бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонўнчилининг бўзилишига йўл қўйилмаслиги ҳақида огоҳлантиришлар юбориш;

давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарларига бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонўнчилик бўзилишлари, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигида бола ҳуқуқлари бузилганлиги аниқланган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли органларга илтимосномалар киритиш;

боланинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонўний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги аризалар ва даъволар билан судларга мурожаат этиш;

боланинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонўний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда тиклаш мақсидида суд жараёёнларида, шу жумладан ёпиқ суд мажлисларида қонунда белгиланган ҳолларда ва шакларда иштирок этиш;

аҳоли ўртасида бола ҳуқуқлари билан боғлиқ масалалар бўйича ижтимоий сўровлар ўтказиш;

бола ҳуқуқлари масалалари бўйича ўқув дастурлари тайёрлашда иштирок этиш;

боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонўний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан тадбирлар ташкил этиш;

бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир илмий-амалий, таҳлийи ишларни амалга ошириш учўн илмий ва бошқа ташкилотларни, олимлар ҳамда мўтахассисларни белгиланган тартибда, шу жумладан шартнома асосида жалб қилиш;

болалар ҳақида қамҳўрлик қилиш ва уларни ҳимоя қилиш учўн масўл бўлган давлат органларига ва бошқа ташкилотларга, шу жумладан таълим, тарбия, тиббиёт муассасаларига, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига, иктисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига, тергов ҳибсхоналарига ва тарбия колонияларига монеликсиз кириш;

хорижий давлатларнинг ҳуқуқни мўҳофаза қилувчи ва суд органларига, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларига Ўзбекистон фуқароси бўлган ва хорижий давлат ҳудудида турган боланинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги халқаро келишўвларга ҳамда бошқа шартномаларга мувофиқ сўровлар юбориш;

ўз ваколатлари доирасида халқаро ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиш ва уларнинг аъзолигига кириш, шўнингдек хорижий давлатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлари билан ҳамкорлик қилиш;

инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро англашўв ва ҳамкорлик тўғрисида меморандумлар, келишўвлар тузиш, қўша дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш;

боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонўний манфаатлари масалалари юзасидан ўтказиладиган тадбирларда, шу жумладан халқаро тадбирларда иштирок этиш.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил қонўнчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мўкин.

13-модда. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг мажбуриятлари

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил ўз фаолиятини амалга оширишда: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонўн ҳўжатларига риоя этиши, ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш;

боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонўний манфаатларига таълуллик масалаларни ҳал этишда боланинг манфаатлари устуворлигини инобатга олган ҳолда ҳаракат қилиш;

давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг ўз ваколатлари доирасида амалга ошираётган фаолиятига аралашмаслиги;

давлат сирларини ёки қонўн билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил етўвчи маълумотларни мўҳофаза қилиш тўғрисидаги қонўнчилик талабларига риоя этиши шарт.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг зиммасида қонўнчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мўкин.

14-модда. Огоҳлантириш

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонўнчиликнинг бўзилишига йўл қўйилмаслиги ҳақидаги огоҳлантириш Бола ҳуқуқлари бўйича вакил томонидан давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларига ёзма шаклда эълон қилинади.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил мансабдор шахсга огоҳлантириш эълон қилинганлиги тўғрисида унинг юқори турувчи органига (мансабдор шахсига) хабар қилишга ҳақли.

15-модда. Тақдимнома

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонўнчиликнинг аниқланган бўзилишларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақидаги тақдимнома Бола ҳуқуқлари бўйича вакил томонидан давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг қонўнчилик бўзилишларини бартараф этиш юзасидан ваколат берилган раҳбарларига киритилади.

Тақдимнома кечиктирмай кўриб чиқилиши ва қўрилган чоралар тўғрисида Бола ҳуқуқлари бўйича вакилга, агар бошқа мўддат белгиланмаган бўлса, ўн беш қўндан кечиктирмай ёзма шаклда хабар қилиниши лозим.

16-модда. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг маърузаси

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил ҳар йили, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлисининг палаталарига бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонўнчиликка давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни мўҳофаза қилувчи органлар томонидан риоя этилиши ҳолати ҳақида маъруза (бўндан бўён матнда Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг маърузаси деб юритилади) тақдим этади.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг маърузасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонўнчилик палатасининг ва Сенатининг мажлисларида кўриб чиқиш қонўнчиликка мувофиқ амалга оширилади.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг маърузасини кўриб чиқиш якунлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан қарорлар қабул қилинган тақдирда, мазкур қарорлар Бола ҳуқуқлари бўйича вакилга юборилади.

3-боб. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг фаолияти

17-модда. Бола ҳуқуқлари бўйича вакил фаолиятининг очиклиги

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил ўз фаолияти тўғрисидаги аҳборотдан манфаатдор шахслар қонўнчиликда белгиланган тартибда фойдаланиши учўн шарт-шароитлар яратади.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил ўз фаолияти тўғрисидаги аҳборотни ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштиришда ва янгилаб туради, Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг маърузасини ҳамда бошқа материалларни оммавий аҳборот воситаларида эълон қилади.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил ўз матбуот органини таъсис этиши ва бошқа матбуот нашрларининг ҳаммуассиси бўлиши мўкин.

18-модда. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг қонўнчиликни такомиллаштиришга доир фаолияти

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил ўзининг фаолияти билан боғлиқ масалаларга доир қонўнчиликни такомиллаштириш юзасидан тегишли давлат органларига тақифлар киритишга ҳақли.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил қонўнчилик ҳўжатлари лойиҳаларини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳлар фаолиятида иштирок этиши мўкин.

Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонўний манфаатларига тааллуқли масалаларга доир қонўнчилик ҳўжатлари лойиҳалари мажбурий тартибда Бола ҳуқуқлари бўйича вакил билан келишилади.

19-модда. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонўний манфаатлари соҳасида аҳлининг ҳуқуқий маданиятини оширишга доир фаолияти

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил аҳолининг бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонўний манфаатлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳўжатлари ва халқаро шартномалари, халқаро ҳуқуқнинг умўмётчируғ этилган принциплари ҳамда нормалари тўғрисидаги хабардорлигини ошириш чораларини кўради.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонўний манфаатларини ҳимоя қилиш воситаларини, усулларини ва механизмларини ўргатишга қаратилган маърифий ҳамда таълим дастурларини, илмий-амалий тадбирлар ва семинарларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади.

20-модда. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг болага нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, гайринисоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олишга доир фаолияти

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил бола ўз ихтиёри билан қикиб кета олмайдиган таълим, тарбия, тиббиёт муассасаларига, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига, иктисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига, тергов ҳибсхоналарига ва тарбия колонияларига (бўндан бўён матнда бола ўз ихтиёри билан қикиб кета олмайдиган жойлар деб юритилади) мўнтазам қикриб туриш орқали болага нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, гайринисоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олиш бўйича чоралар кўради.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил бола ўз ихтиёри билан қикиб кета олмайдиган жойларга кирганида:

болаларнинг сони ҳақида аҳборот олади;
болаларни сақлаш ва улар билан муомалада бўлиш шарт-шароитларини ўрганади;

болалар билан, шўнингдек бола ўз ихтиёри билан қикиб кета олмайдиган жойлар маъмуриятининг ҳодимлари билан ўрашўвлар ва сўхбатлар, шу жумладан ҳоли ўрашўвлар ва с

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида

(Давоми. Бошланғич 1, 2-бетларда).

Боланинг манфаатларини кўзал шикоятлар қонунчилиқда назарда тутилган тартибда унинг қонуний вакиллари томонидан берилиши мумкин.

Болалар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши масалалари юзасидан шикоят бериши мумкин. Бола ҳуқуқлари бўйича вакил болаларнинг шикоятларини кўриб чиқиши шарт.

Бола тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаганлиги сабабли унинг шикоятини кўриб чиқмасдан қолдиришга йўл қўйилмайди. Бола ҳуқуқлари бўйича вакил боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида ахборот мавжуд бўлганда ёҳуд ҳимоянинг ҳуқуқий воситаларида мустақил равишда фойдаланишга лаёқатсиз шахсларни ҳимоя қилиш учун ўз ташаббуси билан фактлар текширувини ўтказишга ҳақлидир.

Шикоят бўйича илгари қабул қилинган мавжуд қарорлар ёки уларнинг кўчирма нусхалари, шунингдек шикоятни кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар шикоятга илова қилиниши мумкин, мазкур ҳужжатлар қайтарилмайди, бундан арз қилувчи уларни қайтариш ҳақида ёзма ариза берган ҳоллар мустасно.

Арз қилувчилар ва уларнинг вакиллари шикоятни у кўриб чиқилгунига қадар ва кўриб чиқилаётган пайтда шикоят юзасидан қарор қабул қилингунига қадар ёзма ёки электрон шаклда ариза бериш йўли билан қачириб олиши мумкин. Шикоятни қачириб олиш тўғрисидаги ариза қонун бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан Бола ҳуқуқлари бўйича вакил томонидан чоралар кўрилишини истисно этмайди.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакилга берилган шикоят учун давлат божи ундирилмайди.

27-модда. Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларида ҳамда ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида, тергов ҳибсхоналарида ва тарбия колонияларида турган болаларнинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакилга мурожаат этиши

Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларида ҳамда ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида, тергов ҳибсхоналарида ва тарбия колонияларида турган болалар ёзма шаклдаги мурожаатларни (хатлар ва телеграммаларни) уларнинг сони чекланмаган ҳолда Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг номига юбориш ҳуқуқига эга. Бола ҳуқуқлари бўйича вакил номига юбориладиган мурожаатлар цензура қилинмайди.

Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларининг ҳамда ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларининг, тергов ҳибсхоналарининг ва тарбия колонияларининг маъмурияти боланинг мурожаатини Бола ҳуқуқлари бўйича вакилга йитирма тўрт соатдан кечиктириб, муҳланган тарзда юборади, телеграммаларни эса дарҳол юборади. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг жавоби кўздан кечирилиши мумкин эмас ва арз қилувчига зудлик билан етказиб берилади.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил шикоятлар кўриб чиқилаётганда, шунингдек боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини ўз ташаббуси билан текшираётганда вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларида ҳамда ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида, тергов ҳибсхоналарида ва тарбия колонияларида жамониксиз кириш ҳуқуқига эга. Мазкур муассасаларнинг маъмурияти Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг ҳафсизлигини таъминлайди.

Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларининг ҳамда ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларининг, тергов ҳибсхоналарининг ва тарбия колонияларининг маъмурияти Бола ҳуқуқлари бўйича вакилга у ерда турган бола билан жамониксиз ва холи урашиш ҳамда суқбатлашиш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаши шарт, урашувлар ва суқбатлар ушбу муассасалар ҳодимлари уларни кўриб турадиган, лекин эшитмайдиган шароитларда холи ўтказилади.

28-модда. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг шикоятларни кўриб чиқиш, шунингдек боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини ўз ташаббуси билан текшириш чоғидаги ҳуқуқлари

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил шикоятларни кўриб чиқиш, шунингдек боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини ўз ташаббуси билан текшириш чоғида кўйдаги ҳуқуқларга эга:

аниқланиш лозим бўлган ҳолатларни текширишда кўмаклашишни сўраб ташкилотларга ва мансабдор шахсларга мурожаат қилиш; аниқланиш лозим бўлган ҳолатларни текшириш учун ташкилотларнинг вакиллари ва мансабдор шахсларни тақлиф этиш. Текширишни ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоят берилган ташкилотга ёки мансабдор шахсга топшириш мумкин эмас; ташкилотларга ва мансабдор шахслар ҳузурига жамониксиз кириш; ташкилотлар ва мансабдор шахслардан ҳужжатларни, материалларни ва бошқа маълумотларни сўраш ҳамда олиш; мансабдор шахслардан тушунтиришлар олиш; аниқланиш лозим бўлган масалалар юзасидан ташкилотларга ва муассасаларга ҳулосалар тайёрлашни топшириш; бола ҳуқуқларига дахлдор бўлган масалалар юзасидан ташкилотлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан ўтказилаётган текширишларда иштирок этиш; ушлаб турилган, тергов ҳибсхонасида сақланаётган вояга етмаган

шахс ёки озодлиқдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаётган вояга етмаган шахс билан урашувлар ва суқбатлар ўтказиш; бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликнинг аниқланган бузилишларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарларига тақдимномалар киритиш; ҳаракатларида ёки ҳаракатсизлигида бола ҳуқуқлари бузилганлиги аниқланган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли органларга илтимосномалар киритиш; бола манфаатларини кўзал аризалар ва даъволар билан судларга давлат божини тўламасдан мурожаат этиш.

29-модда. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг шикоятни кўриб чиқиш натижалари юзасидан мажбуриятлари

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил шикоятни кўриб чиқиш натижалари юзасидан:

арз қилувчини кўриб чиқиш натижалари тўғрисида хабардор этиши; ҳаракатларида ёки ҳаракатсизлигида бола ҳуқуқлари бузилганлиги аниқланган ташкилотга ёки мансабдор шахсга боланинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан тавсиялар мавжуд бўлган ўз ҳулосасини юбориши шарт. Бунда Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг ҳулосасини олган ташкилот ёки мансабдор шахс уни кўриб чиқиши ва бир ойдан кечиктириб асослантирилган жавоб юбориши шарт.

30-модда. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг ҳулосаси

Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг ҳулосасида кўйдаги тавсиялар назарда тутилиши мумкин:

ишнинг ташкилот ёки мансабдор шахс томонидан охирига етказилиши зарурлиги; ташкилотнинг ёки мансабдор шахснинг қарори ўзгартрилиши ёҳуд бекор қилиниши кераклиги; ташкилотнинг ёки мансабдор шахснинг қарори асосланиши зарурлиги; ташкилот ёки мансабдор шахс қўшимча қарор қабул қилиши кераклиги. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг ҳулосасида бошқа тавсиялар ҳам бўлиши мумкин.

5-боб. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги

31-модда. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг парламент назоратининг бошқа субъектлари билан ҳамкорлиги

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини ўз ташаббусига кўра текшириш билан боғлиқ материалларни ҳар чоракда умумлаштириб боради.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ материалларни умумлаштириш ҳамда боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек жамият ва давлатнинг манфаатлари бузилишига олиб келувчи сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш натижаларига кўра давлат органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш масаласини кўриб чиқиш тўғрисидаги тақлиф билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўмиталарига мурожаат қилиши мумкин.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг парламент назоратини амалга оширишга доир тадбирларига иштирок этишга, уларга кўриб чиқилаётган масалалар юзасидан материаллар тақдим этишга ҳақлидир.

Бола ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг айрим жиҳатларига эътиборни қўяйтириш зарур бўлганда Бола ҳуқуқлари бўйича вакил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа чора-тадбирлар кўришга қаратилган махсус маърузалар киритиши мумкин.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил томонидан киритилган махсус маърузаларни кўриб чиқиш якунлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари қарорлар қабул қилади, қарорлар Бола ҳуқуқлари бўйича вакилга юборилади.

32-модда. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди билан ҳамкорлиги

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлисларида иштирок этишга ҳамда боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли кўриб чиқилаётган барча масалалар юзасидан ўз нуктаи назарини баён этишга ҳақли.

33-модда. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан ҳамкорлиги

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг мажлисларида иштирок этишга ҳақли.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг мажлисларида кўриб чиқилаётган боланинг ҳуқуқлари,

эркинликлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли масалалар юзасидан ўз нуктаи назарини баён этишга ҳақли.

34-модда. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан ҳамкорлиги

Бола ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг айрим жиҳатларига эътиборни қўяйтириш зарур бўлганда Бола ҳуқуқлари бўйича вакил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа чора-тадбирлар кўришга қаратилган маърузалар киритиши мумкин.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритишга ҳақли.

35-модда. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг Болалар масалалари бўйича миллий комиссия билан ҳамкорлиги

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил Болалар масалалари бўйича миллий комиссияга масалалар киритишга ҳақли.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил Болалар масалалари бўйича миллий комиссиянинг мажлисларида иштирок этиши мумкин ва кўриб чиқилаётган барча масалалар юзасидан ўз нуктаи назарини баён этишга ҳақли.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил Болалар масалалари бўйича миллий комиссияга бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка давлат органлари томонидан риоя этилиши ҳолати ҳақида маъруза, шунингдек махсус маърузалар киритишга ҳақли.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил томонидан киритилган маърузаларни кўриб чиқиш якунлари юзасидан Болалар масалалари бўйича миллий комиссия қарорлар қабул қилади, қарорлар Бола ҳуқуқлари бўйича вакилга юборилади.

36-модда. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суд билан ҳамкорлиги

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар болаларнинг ҳаётига, соғлиғига ёки жисний эркинлигига қарши ҳинойатлар, шу жумладан ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш ёҳуд унга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш, вояга етмаган шахсни порнографик ҳусусиятга эга ҳаракатларнинг ижросини сифатда жалб этиш, вояга етмаган шахсини жалб этган ҳолда қўшмачилик қилиш, фойсхоналардан ташкил этиш билан боғлиқ ҳинойатлар (бундан буён матнда болага қарши ҳинойатлар деб юритилади) тўғрисида маълумотлар олинган тақдирда ҳинойат ишини қўзғатиш ҳақида ёки ҳинойат ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилганда бу ҳақда Бола ҳуқуқлари бўйича вакилни уч кун ичида ёзма шаклда хабардор қилади.

Суд болага қарши ҳинойатлар тўғрисидаги иш юзасидан суд муҳоамасининг вақти ва жойи ҳақида Бола ҳуқуқлари бўйича вакилни хабардор қилади.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил болага қарши ҳинойатлар тўғрисидаги ҳинойат ишларининг, шунингдек вояга етмаган шахс гўмон қилинуви, айбланувчи ёки судланувчи тарихида жалб этилган ҳинойат ишларининг материаллари билан қонунда белгиланган тартибда танишишга ҳамда уларнинг кўчирма нусхаларини олишга ҳақли.

Суд болага қарши ҳинойатлар тўғрисидаги иш бўйича чиқарилган ҳукм (ажрим) ҳақида Бола ҳуқуқлари бўйича вакилни беш кун ичида ёзма шаклда хабардор қилади.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил ҳукм (ажрим) билан танишиб қиқач, вояга етмаган шахс манфаатларини кўзлаб, суднинг ҳукми (ажрими) устидан протест (ҳусусий протест) келтириш ҳақидаги илтимоснома билан прокурорга мурожаат қилишга ҳақли.

37-модда. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва бошқа дастурларни, шунингдек боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиқни ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил ўзи томонидан шакллантириладиган ишчи гуруҳлар ва экспертлар гуруҳлари, комиссиялар ҳамда бошқа жамоатчилик-маслаҳат органлари фаолиятда фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли масалалар юзасидан фуқаролик жамияти институтлари билан ахборот алмашинувини қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширади.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда тадбирлар, маслаҳатлашувлар ва музокаралар ўтказиши, шунингдек улар билан битимлар тузиши мумкин.

6-боб. Бола ҳуқуқлари бўйича вакил ҳамда унинг қотибияти фаолиятининг моддий ва бошқа таъминоти

38-модда. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг қотибияти

Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг фаолиятини таъминлаш учун Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг қотибияти ташкил этилади, қотибият

ҳақидаги низом Бола ҳуқуқлари бўйича вакил томонидан тасдиқланади. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг қотибияти давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг қотибияти тузилмасида Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг фаолиятига кўмаклашувчи бўлинмалар ташкил этилади.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг қотибияти Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ўз муҳрига эга бўлади.

39-модда. Бола ҳуқуқлари бўйича вакил фаолиятининг молиявий, моддий-техника ва бошқа таъминоти

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил, Бола ҳуқуқлари бўйича вакил қотибияти фаолиятининг молиявий, моддий-техника ва бошқа таъминоти Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади ҳамда унда алоҳида сатрда назарда тутилади.

40-модда. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг транспортда имтиёзли юриш ҳуқуқи

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ҳаво, темир йўл, автомобиль йўловчилар транспортда (бундан такси ва шаҳар йўловчилар транспорти мустасно) имтиёзли юриш ҳуқуқига эга.

7-боб. Якуновчи қоидалар

41-модда. Бола ҳуқуқлари бўйича вакил тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

42-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартришлар киритиш

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 27 апрелда қабул қилинган **“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”**ги УРҚ-687-сонли Конституциявий Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 4, 292-модда) қуйидаги ўзгартришлар киритилсин:

1) **27-модда биринчи қисмининг олтинчи қатбоши** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани);”

2) **40-модданинг иккинчи қисмидаги** “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари – Бола ҳуқуқлари бўйича вакил” деган сўзлар “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани)” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлда қабул қилинган **“Судлар тўғрисида”**ги УРҚ-703-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 7, 663-модда) **20-моддасининг иккинчи қисмидаги** “судьялар” деган сўз “судьялар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

43-модда. Ушбу Қонуннинг ихросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани), Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ихросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

44-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

45-модда. Ушбу Қонуннинг қучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2024 йил 29 февраль № УРҚ—917

Бунёдкорлик туйғуси билан яшаш завқси



Юртбошимиз белгилаб берган вазифалар, тақлиф ва ташаббуслари вилоят аҳлини янги марралар сари руҳлантириб, ислохотларга, эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлаётди. Ишга туширилаётган янги ишлаб чиқариш қувватлари, барпо этилаётган замонавий бинолар, раван йўللар ва кўприklar, таълим, тиббиёт, маданият ҳамда спорт масканларида янгилаётган Хоразмнинг бугунги қиёфаси асқ этмокда.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги кўшма қороналар, замонавий ишлаб чиқариш кластерлари, халқаро талабларга мос туризм инфратузилмаси, фаол урбанизация жараёни тўғрйли шаҳар қиёфасига қираётган кишиқлар жамоли — буларнинг барчаси мамлакатимизнинг олис ҳудудларидан бири бўлган Хоразм вилоятида сўнгги йилларда юз бераётган ўзгаришларнинг ўзига хос манзараларидир.

Ватанга садоқатнинг ёрқин тимсоли

“...дунёдаги энг улкан қаҳрамонлик — бу Ватан мустақиллиги ва озодлиги йўлида қўрсатилган мардлик ва жасоратдир. Бундай қаҳрамонлик асло унутилмайди, ҳамisha халқ

қалбида яшайди”, деган эди Президент Шавкат Мирзиёев 2022 йил 29 август куни Урганч шаҳрида Жалололидин Манғуберди ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанали маросимда.

Бугун Хоразмга қадам қўйган меҳмон борки, ушбу табаррук маскан — Урганч шаҳридаги Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган Жалололидин Манғуберди ҳайкалини зиёрат қилишдан бошлайди. Ватан озодлиги йўлида жонини фидо қилган довиорак курашчи, чин маънодаги ватанпарвар, миллий қаҳрамон, жохон халқлари тарихида ўнмас из қолдирган буюк саркарда, хоразмшоҳлар давлатининг сўнгги ҳукмдори Жалололидин Манғубердининг жасорати ана шундай эъзозу эътиборда.

Утган йили вилоятда Жалололидин Манғуберди номи билан аталувчи ҳарбий-академик лицейнинг очилиши улуг саркарданинг жанговар аънаваларини давом эттириш, миллий армиямиз учун етук малакали кадрларни тайёрлаш йўлидаги яна бир амалий қадам бўлди. — Бу даргоҳга Жалололидин Манғуберди бобомизнинг номи берилиши беҳиз эмас, албатта, — дейди меҳнат факрийиси Райимбой Шерзонов. — Миллатимиз факри бўлган жасур саркарданинг ҳаёти, тарихимиздаги ўнмас жасорати ёш авлод, Ватан ҳимоячилари учун ўзига хос ибрат намунаси бўлиб, уларни мардлик ва матонатга қорлаб туради. Бу масканда бўлажақ ҳарбийлар Жалололидин Манғубердининг жанг стратегияси ва тактикасини, энг муҳими, ундаги ватанпарварлик ва юрта садоқатни ўрганадилар.

Буюк саркарда — Президентимизнинг воҳага таширфиди ўзига хос боғлиқлик бор.

Мулоқот

АМАЛИЙ АЛОҚАЛАР ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг Марказий Осиёё бўйича махсус вакили, БМТнинг Марказий Осиёё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Каха Имнадзени қабул қилди.

Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг БМТ ва унинг ихтисослаштирилган идоралари, жумладан, Марказий Осиёё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати муҳокама қилинди ҳамда истиқболдаги режалар кўриб чиқилди.

Эътироф этилганидек, Ўзбекистоннинг ушбу нуфузли тузилма билан ҳамкорлиги минтақада тинчлик ва хавфсизлиқни таъминлаш, терроризмга қарши курашиш, тинчликни мустаҳкамлашда аёллар ҳамда ёшлар салоҳиятидан унумли фойдаланиш, низоларнинг олдини олиш ва ҳал этиш, шунингдек, трансчегаравий сув ҳамда энергия ресурсларидан биргаликда ва оқилона фойдаланиш каби йўналишларни қамраб олади.

Учрашувда Ўзбекистон БМТ доирасида халқаро ҳамжамият томонидан қўлаб-қувватланаётган, барқарорлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга амалий ҳисса бўлиб қўшилаётган ташаббусларни илгари сураётгани алоҳида таъкидланди.

Қолаверса, минтақавий даражадаги мулоқот ва ҳамкорлик жараёнида турли платформалар, шу жумладан, Марказий Осиёё мамлакатлари етакчи аёллари мулоқоти атиги 3 йил ичидда гендер тенгликни таъминлаш бўйича долзарб тақлифларни ишлаб чиқувчи муҳим майдонга айлангани, бу борада марказнинг ўрни катта бўлаётгани ургулаб ўтилди.

Шу нуктаи назардан, янги самарали чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Тошкент шаҳрида Марказий Осиёё мамлакатлари етакчи аёллари мулоқотининг доимий фаолият юритувчи котибиятини очиш масаласини кўриб чиқиш тақлифи илгари сурилди.

Шунингдек, мулоқот чоғида мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этадиган ёшларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш билан боғлиқ масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоларининг превентив дипломатиянинг замонавий усуллари ва воситалари ҳақидаги билимларини ошириш бўйича самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан фикр алмашилди.

Каха Имнадзе Марказий Осиёё минтақаси давлатларининг ҳудудда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган савий-ҳаракатлари ҳақида тўхталаркан, бу борада Ўзбекистоннинг алоҳида хиссаси борлигини эътироф этди.

Учрашув якунида минтақавий тусдаги бир қатор долзарб масалалар юзасидан яқин ва конструктив ҳамкорликни янада ривожлантиришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

2 март — Ўзбекистон Республикаси БМТга аъзо бўлган кун

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШГА ҚАРАТИЛГАН ЯҚИН ҲАМКОРЛИК

Маълумки, бундан 32 йил муқаддам, 1992 йилнинг 2 март куни янги суверен давлат — Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди ва жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъектига айланди. Шундан буён мамлакатимизнинг маъқур халқаро ташкилот билан муносабатлари тобора ривожланиб келмоқда ва бугунги кунда сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди.

БМТ халқаро тинчлик ва хавфсизлиқни мустаҳкамлашга, мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга йўналтирилган, давлатлар халқаро ҳаёти ва ҳамкорлигининг барча йўналишида фаолият кўрсатадиган бетакрор, тарихан муҳим ва универсал ташкилотдир.

амалга ошириш ва агроозик-овқат тизимини бошқарилиш самарали механизмларини жорий этиш бўйича қўшма тadbирларни киритишга келишиб олинди.

Октябр ойида Самарқанд шаҳрида Бутунжаҳон туризм ташкилоти (ЮНВТО) Бош ассамблеясининг 25-сессияси бўлиб ўтди. Унда туризм тармоғини ислоҳ қилишда Ўзбекистоннинг стратегик ҳамкорига айланган ЮНВТО билан “Ипак йўлида туризм” брендини кенг ёйиш, жумладан, туризм инфратузилмасини ривожлантириш, мамлакатимизда туризм йўналишларини оммалаштириш, малакали кадрлар тайёрлашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ўта муҳим келишувларга эришилди. Мамлакатимизда ЮНВТО Бош ассамблеясининг юбилей сессияси ўтказилиши, унинг доирасида Самарқанд шаҳрида Халқаро туризм академияси ва “Ипак йўли” тематик офисининг очилиши ҳамкорликнинг муҳим амалий натижалари бўлди.

Ноябр ойида ҳам дунёнинг 130 дан ортқ мамлакатлари делегациялари ва нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари иштирокида БМТнинг Чўлланиш бўйича конвенциясини амалга ошириш кўмитасининг 21-сессияси кўтаринки рўҳда ўтказилди. Ушбу анжуманда БМТ Бош котибининг ўринбосари, Чўлланишга қарши кураш конвенцияси ижрочи котиби Иброҳим Тивас иштирок этди.

Дунёда кенаяётган ҳозирги глобаллашув жараёнидан инсоният тараққиётига ижобий таъсир кўрсатиш билан бирга, ўзида турли таҳдид ва хавф-хатарларни ҳам намойён этмоқда. Ана шундай шароитда давримизнинг энг обрўли халқаро тузилмаси — БМТ билан тинчлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш йўлида самарали ҳамкорлик қилиш халқимизнинг туб миллий мафлақаларига тўлиқ мос келади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида “БМТ бундан кейин ҳам халқаро муносабатларда ҳал қилувчи ўрин тутadi”, деган фикри республикаимизнинг ташқи сиёсий позициясини изохлаб берди. Мазкур мустаҳкам сиёсий-дипломатик позиция давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йил 23 сентябрь куни БМТ

Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида, 2023 йил 19 сентябрда 78-сессиясида сўзлаган нутқларида илгари сурилган глобал ва минтақавий аҳамиятга эга ташаббусларда яна бир бор ўз ифодасини топди.

Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг сессияларидаги нутқларида халқаро ва минтақавий хавфсизлиқни мустаҳкамлаш, таълим, маънавият, экология, туризми янада ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бошқа соҳаларга доир ташаббусларни илгари сурди. Энг муҳими, бу тақлифлар халқаро ҳамжамият томонидан қизгин қўлаб-қувватланди. Марказий Осиёё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, туризмини ривожлантириш, экологик муаммолар, диний экстремизм ҳамда терроризмга қарши курашиш, бутун дунё ёшлари тақдир ва келажаги, маърифатли дунё ҳақида қайғуриш каби ташаббус ҳамда илгор ғоялар шулар жумласидан.

Хусусан, давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида илгари сурган ташаббуслар ҳар томонлама асосланган, чуқур мушоадага қорловчи, бутун дунё, жумладан, минтақамиз учун ғоят муҳим аҳамиятга эгалиги билан ажралиб турди. БМТ ҳузурида Марказий Осиёё ёшларини ривожлантиришга қўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этиш ва “Марказий Осиёё ёшларининг кун тартиби — 2030” дастурини ишлаб чиқиш ишчи куннинг долзарб вазифалари сирасидандир. Ўзбекистонда Осиёё хотин-қизлари форумини ташкил қилиш, ЮНЕСКО шафелигида Динлараро мулоқот ва баргиренглик халқаро марказини очиш, 2024 йили Ўзбекистонда “Ислом — тинчлик ва эзгулик дини” мавзуда халқаро конференция ўтказиш, “Марказий Осиёё иқлим мулоқоти”ни, БМТ Бош Ассамблеясининг “Марказий Осиёё глобал иқлим таҳдидлари қаршидаги: умумий фаровонлик йўлида ҳамжамиятлик” резолюциясини қабул қилиш каби муҳим ташаббуслари барча давлатлар билан кенг қўламли ва узоқ муддатли шериклиқни чуқурлаштиришга тайёр эканимизни яна бир бор намойён этди.



Шу билан бир қаторда, Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш борасидаги савий-ҳаракатлари ҳам ташкилот томонидан эътироф қилинмоқда. Утган йили 15 март куни юртимизда меҳмон бўлган БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Фолькер Турк Ўзбекистоннинг болалар ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш, гендер тенгликни илгари суриш, суд идораларининг мустақиллигини ва қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги муваффақиятларини юқори баҳолади.

Бугунги кунда Ўзбекистон барқарор тараққиёт соҳасида БМТ билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2030 йилгача кун тартибида бўлган масалаларни амалга ошириш мақсадида ҳукумат томонидан 2030 йилгача даврни қамраб олган барқарор тараққиёт соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар қабул қилинди, 16 миллий мақсад ва 125 вазифа тасдиқланди. Уларнинг имплементацияси бўйича “Йўл харитаси” қабул қилинди, ҳукумат ҳузурида Парламент комиссияси ва Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди. Барқарор тараққиёт мақсадларини бажариш бўйича Ихтиёрий миллий шарҳ тақдим этилди. 2021 йилнинг июнида Бухоро шаҳрида Парламентлараро Иттифок билан ҳамкорликда “Барқарор тараққиёт мақсадларига эришишда глобал парламентлараро ҳамкорлик” халқаро форуми ташкиллатилди.

2022 йилнинг 14 декабрида БМТ Бош Ассамблеяси “Барқарор ривожланиш мақсадларига (БРМ) эришишни жадаллаштиришда парламентлар ролини

Бугун тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги муносабатлар муҳим воқеаларга бой бўлиб, барча йўналишда ривожланиб бормоқда. Яқинда ташкилот Бош Ассамблеяси Ўзбекистон Республикасини томонидан илгари сурилган “2027 йил — Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили” резолюциясини бир овоздан маъқуллагани ҳам фикримизнинг яққол далилидир. Мамлакатимизнинг БМТ доирасида илгари сурган барча тақлифи, ташаббусли тинчлик, хавфсизлик, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва барқарор тараққиётга эришишни таъминлашга улкан амалий ҳисса бўлиб қўшилаётгани халқаро экспертлар томонидан эътироф этиляпти. Мамлакатимиз бундан кейин ҳам БМТ билан ўзаро мафнафали ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришга содиқ бўлиб қолаверади.

Содиқ САФОЕВ,
Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари.

Депутатлар — ҳудудларда

Бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиляптими?

Аввал хабар берилганидек, шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларидан иборат ишчи гуруҳ аъзолари ҳудудларда бўлиб, Президентимиз раислигида ўтказилган йиғилишларда белгиланб берилган устувор вазифаларнинг ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганмоқда.

танишиш мақсадида лимон етиштиришга ихтисослаштирилган иссиқхоналарда бўлди.

Мулоқотлар чоғида яратилаётган қўлай шарт-шароитлар тўғрисида қўлай йилларда нафақат экспорт географияси, балки ташқи бозорга чиқарилаётган маҳсулотлар тури ва ҳажми ҳам тобора ортиб бораётгани айтиб ўтилди.

Шундан сўнг депутатлар ҳудудларга бюджет ва халқаро молия институтлари томонидан ажратилаётган маблағларнинг тўғри ҳамда самарали сарфлалиш ҳолатини ўрганиш, бу бо-

Мурожаатлар назоратга олинди

Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатларидан иборат ишчи гуруҳ аъзолари Хоразм вилоятида бўлиб, маҳаллий Кенгаш депутатлари билан ҳамкорликда аҳоли билан мулоқот қияпти, уларнинг яшаш шароитлари билан танишмоқда.

Мулоқотлар давомида мамлакатни 2024 йилда ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича белгилаб берилган вазифаларнинг мазмун-моҳияти кенг тушултирилган ҳолда, бу борада жамоатчилик назоратини амалга ошириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилляпти. Асосий эътибор аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш, бандлиқни таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш каби бир қатор муҳим масалаларга қаратилмоқда.

Ана шундай учрашувларнинг дастлабкиси Урганч шаҳридаги “Умид” маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилди. Мурожаатлардан маълум бўлишича, “Умид” МФЙ Амир Темур кўчасидаги кўп қаватли уйлар олдида болалар майдончаси ўрнига тadbиркор томонидан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохбосчаси қурилиши режалаштирилаётгани аҳолининг норозилигига сабаб бўлмоқда. Мазкур қурилиш ҳудуддаги кўп йиллик дархастлар кесилишига, экологияга зарар етишишга, қолаверса, йўллар қисқаришига ҳам олиб келиши мумкин.

Ишчи гуруҳ томонидан вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари кесимидаги шу каби муаммолар қайд этилиб, мутасаддилар томонидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Шунингдек, ҳудудларда коммунал соҳани тақомиллаштириш, хусусан, ижро органлари фаолиятини тўғри йўлга қўйиш мақсадида маъсуллар бириктирилди. Улар томонидан амалга оширилаётган ишлар мониторингни қоритиладиган бўлди.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 342. 18 433 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.



Тахриратта келган қўлаёмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзтазб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.
Газета тахриратта компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфия жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси маъсул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.16 Топширилди — 00.05 1 2 3 4 5 6

РЕКЛАМА

Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш (масофадан) тўғрисида ХАБАРНОМА

Ҳурматли банк акциядорлари!

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ (Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 3-уй манзили бўйича joyлашган, корпоратив веб-сайти: www.sqb.uz, e-mail: info@sqb.uz) сизга 2024 йил 20 март куни Тошкент вақти билан соат 11.00 да масофадан тури электрон овоз бериш хизмати http://evote.uz/. орқали банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши белгилангани маълум қилади.

ЙИГИЛИШ КУН ТАРТИБИ:

— “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Кенгаши тўғрисида”ги Низомга киритиладиган ўзгартиришлар лойиҳасини тасдиқлаш;
— “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Бошқаруви тўғрисида”ги Низомга киритиладиган ўзгартиришлар лойиҳасини тасдиқлаш;
— “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида қарздорлик эъзизига банк балансига мол-мулкларни қабул қилиш ҳамда уларни сотиш тартиби тўғрисида”ги Низом лойиҳасини тасдиқлаш.

Акциядорларни навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказилиши ҳақида хабардор қилиш учун реестрни шакллантириш санаси — 2024 йил 28 февраль. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри тузиладиган сана — 2024 йил 14 март.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига оид ҳужжатлар билан банкнинг www.sqb.uz корпоратив веб-сайти орқали танишиш ёки info@sqb.uz электрон манзили орқали сўров юборишингиз мумкин.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш интернет орқали электрон овоз бериш хизматида (http://evote.uz/) фойдаланган ҳолда 2024 йил 20 март куни Тошкент вақти билан соат 10.00 да бошланиб 11.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун телефонлар:
78-120-45-00; IP: 13-30; 94-711-13-75.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСА:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши